

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИЛИШИННИГ МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН (1946-1960 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)

Акрам Мадаминович Саттаров

Андижон давлат тиббиёт институти

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

tadqiqotchisattarov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1946-1960 йилларда Ўзбекистонда пахта яккахокимлигини мустахкамлашда янги ерларга ўзлаштириш учун кўчирилган аҳолининг мулкий масалалари ёритилган. Жумладан, ўзлаштирилган худудларга кўчиб кетган аҳолини аввалга доимий яшаган жойидаги мулкий муаммолари архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аҳолини кўчириш, мулк, пахта яккахокимлиги, совет хукумати, уй-жой, ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги, колхоз, қарз, маблағ.

FROM THE HISTORY OF PROPERTY RELATIONS TO NEWLY DEVELOPED LAND IN UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF 1946-1960)

Akram Madaminovich Sattarov

Senior Teacher, Andijan State Medical Institute

Department of Social Sciences

tadqiqotchisattarov@gmail.com

ABSTRACT

This article discusses the property issues of the population who were relocated to new lands in 1946-1960 to strengthen the cotton monopoly in Uzbekistan. In particular, the property problems of the population who moved to the occupied territories were analyzed on the basis of archival materials and scientific literature.

Keywords: resettlement, property, cotton monopoly, Soviet government, housing, appropriation, agriculture, kolkhoz, debt, capital.

КИРИШ

Совет даврида сиёsat иқтисодга нисбатан устивор аҳамиятга эга бўлган. Ўзбекистонга пахта хом ашё базаси ролининг ажратилиши натижасида пахта

яккаҳокимлиги ўрнатилган. Бу пахта майдонларини кенгайтиришни талаб қилган. Натижада янги ерлар хўжалик муомаласига киритилган. Марказий Фарғона чўли ва Мирзачўлни ўзлаштирилиши, ушбу худудга аҳолининг кўчирилиши яна шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган.

Совет ҳукуматининг 1946 йил 2 февралдаги Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарори Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш учун асос бўлди. Иқтисодни режали равишда ривожлантириш билан бир қаторда баъзи ижтимоий масалаларга ҳам эътибор қилинди.[1. Б,219] Жумладан янги ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчиришда уй-жой билан таъминлаш ҳамда кўчиб кетаётган колхозидаги мулкларининг кейинги тақдири масалалари мухим аҳамият касб этди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистонда 1946-1960 йилларда янги ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчирилишининг мулкий муносабатлар мавзунинг айrim қирралари алоҳида тадқиқотларда акс этган бўлиб, яхлит тарзда илмий ўрганилмаган. Фойдаланилган адабиётларни хронологик жиҳатдан совет даврида ва мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётларга бўлинади.

Аҳолини кўчирилишини асосий тўлқини Фарғона водийси аҳолисини Марказий Фарғона чўли ва Мирзачўлга кўчирилиши билан боғлиқдир. Хусусан Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши тарихи анча илгарига бориб тақалади. Россия империяси, советлар хукмронлигининг дастлабки ўн йилликлари ҳамда иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича йирик тадбирлар амалга оширилган бўлиб, ушбу жараёнлар қатор адабиётлар ва тадқиқот ишларида албатта акс этган. Гарчи улар бошқа хронологик даврни қамраб олсада, ўрганилаётган давр ва у билан боғлиқ мавзуни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, моҳиятини чуқурроқ тушиниб етишга ёрдам беради. Бундай асарлар сирасига пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш, янги ерларни, хусусан, Мирзачўлни ўзлаштириш, ирригация—мелиорация ишларини ривожлантириш, аҳолини кўчириш, колхозлаштириш тарихига оид асарларни киритиш мумкин. Мазкур асарларда воқеа—ҳодисалар коммунистик партия манфаатлари нуқтаи назардан ўрганилган, совет ҳукуматининг аграр сиёсати, янги ерларни ўзлаштириш, аҳолини кўчириш тадбирлари тўла ижобий баҳоланганди. Янги ерларни ўзлаштириш мақсадида аҳолини кўчириш орқали кўплаб ижтимоий—иқтисодий муаммоларни ечиш мумкин деган хулоса чиқарилган.

Мутақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ёритишга сиёsatдан холи бўлган муносабатнинг шаклланиши, жумладан, янги ерларни аҳолини кўчириш

орқали ўзлаштириш билан боғлиқ ҳақиқатни юзага чиқариш учун имконият яратилди. Совет даврида юритилган аграр сиёсат тарихини ҳолисона ўрганишга бўлган ижтимоий эҳтиёж пайдо бўлди. Унинг самараси маҳсули сифатида бир қанча тадқиқотлар бунёдга келган. Лекин янги ерларни ўзлаштирилган худудларга кўчирилган аҳолини мулкий муносабатлари деярли ўрганилмаган.

Ушбу мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

МУҲОКАМА

ССР Иттифоқи Халқ Комиссарлари Советининг “1946-1953 йиллар даврида Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш чоралари тўғрисида”ти қарорига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1946 йил 23 майда чиқарган №662 қарорига мувофиқ, кўчириш учун ўз хўжаликларининг бир қисмини ташкилий суратда ажратувчи колхозлар кўчириладиган хўжаликлар хиссасига капитал қўйиш ва бошқа фонdlардан тегишли асосий мулкни берилиши лозимлиги белгиланди. [2. Б,138] Шунга мувофиқ янги сув чиқарилган ерларга кўчирилган хўжаликларни бўлинмас фонdlар ҳамда уларнинг жойида қоладиган мулклари (уй-жойлари) тўғрисидаги хисботларни тузиш ва уларга мулк ажратиш ишлари таклиф этилади.

Колхозлар бошқарувлари кўчирилган хўжаликлар учун мулк ажратиш вақтида қарорда қўрсатилган тавсияларга амал қилиш белгиланган: - Колхозчилар тамонидан ажратилган мулк кўчиб кетган хўжаликлар сонига нисбатан ажратилиши лозим;

-Махсус фонdlар (кадрлар тайёрлаш, маданий-майиший, мукофат ва бошқа фонdlар) хисобидаги пуллар кўчирилган хўжаликлар сонига нисбатан тақсимланади;

-Ажратиладиган хўжаликларга бериладиган барча мулк ва маблағлар ҳар бир колхозда колхозчиларнинг умумий йиғилиш қарорига асосан ажратилади;

-Мулкни тақсим қилиш кунигачи фойдаланилмаган капитал қўйиш маблағлари ажратиладиган хўжаликлар сонига нисбатан бўлинади

-Қимматбахо қоғозлар, пайлар, акциялар тақсимлаш кунига бўлган суммага нисбатан тақсим қилинади;

-Кўчиб кетадиган колхозчиларнинг 1946 йилги ва олдинги йилларнинг меҳнат кунларига тегишли маҳсулот ва пуллар дархол тўлаб берилиши, 1947 йил учун эса йил охирида, йиллик хисбот тузилгандан кейин берилиши лозим;

-Колхознинг ундирилиши гумон бўлган олажак қарzlари ҳамда растрата

бўлиб хисобланган пуллар текширилиши ва бундай қарзлар кўчириладиган колхозларга тегишли мулк ва қимматдорлар бўйича хисоб-китоб тамом бўлгунча тугатилиши лозим. Колхознинг оладиган ва тўлайдиган қарзлари (ундирилиши мумкин бўлганлари) тўғрисидаги хисоботларнинг барчаси колхоз зиммасида қолади;

-Кўчиб борган жойдаги колхозларда кўчиб борган колхозчиларнинг бўлинмас фондлари ва пай бадаллари кўчиб кетган колхозлардан олинган асосий ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа материаллар ва маблағлар мулкни тақсим қилганлик тўғрисидаги актларнинг копияларига мувофиқ колхоз дафтарларига ўтказилади. [2. Б,138]

Янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган колхозларда кўчиб борган колхозчилар ер ишларини бажаришда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва уруғлар мухим аҳамият касб этган. Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар, ёш мол, паррандалар ва бошқалар, балансда қўрсатилган баҳолари юзасидан мол туёғи ва паррандалар сон хисобидан, асалари эса уя хисобидан кўчиб борган колхозчиларга берилган. Колхоздан ажратиладиган хўжаликлар колхоздаги умумий хўжаликлар сонига қандай нисбатда бўлса, кўчириладиган хўжаликларга бериладиган ҳайвонлар ҳам сон ва баҳолари жихатидан шу нисбатда берилган. Қишлоқ хўжалик асбоблари машиналар, траспорт асбоблари ҳам, сифатлари оз ва кўп ишлатилганларини эътиборга олиб сон хисобидан ажратилган. Ем ҳашак уруғлик фондлар, жамоат моддий фондларидағи маҳсулот ажратиладиган хўжаликлар сонига нисбатан бўлинган ва кўчириладиган хўжаликларга тарозида тортиб берилган. Агарда колхоз ва кўчириладиган хўжаликлар рози бўлса, у вақтда ҳашак ўрнига, уни сотиб олиш мумкин бўлган нарх юзасидан, пул берилиши мумкин бўлган. Кўчириладиган колхозчиларга мулк ажратиб бериш вақтида колхоз, кўчиб кетадиган колхозчилар билан бирга ихтиёрий равишда келишиб, бир хил мулк ўрнига иккинчи хил мулк бериши, ёки пул тўлаши мумкин, лекин иш ҳайвонлари ёки қорамол ўрнига бошқа мулк ёки пул бериши мумкин эмас, бу ҳайвонларни ўзи берилган. Чунки ўзлаштирилган ерга кўчиб борган колхозчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишдаги иш қуролларини ёки иш ҳайвонларини сотиб олиш имконияти бўлмаган. Шунинг учун иш ҳайвонлари ва қорамол ўрнига пул бериш тақиқланган.

НАТИЖАЛАР

Янги ўзлаштирилган ерларнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан янги кўчиб келган оиласаларнинг ижтимоий таъминотига ҳам боғлиқ эди.

Урушдан кейинги йилларда бинокорлик материаллари ва малакали қурувчиларнинг етишмаслиги оқибатида уй-жой қурилиши талаб даражасида бўлмади. Ҳисботларга кўра, “1946-1947 йилларда совхозлар секторида уй-жойлар қуриш режаси атиги 38 % бажарилган. 1947 йили совхозлар ишчилари уй-жой билан бор-йўғи 43 % таъминланган”. Мавжуд уй-жойларнинг ҳам ярми яроқсиз ҳолга келиб қолган. Давлатдан бирор нарса талаб қилиб олишга ўрганмаган маҳаллий аҳоли имкониятига қараб, ўзлари учун шароит яратишга ҳаракат қилган. Кўпгина совхозларнинг ишчилари уй-жой етишмаслиги сабабли ертўлалар ёки чайлаларда яшаган. [3. Б,18] Бу эса кўчиб борган хўжаликларни аввалги яшаган худудларига кайтиб кетиб қолишига сабаб бўлган. 1946-1947 йилларда Андижон вилоятида 3412 хўжалик кўчирилган бўлса, ушбу кўчирилган хўжаликлардан 1730 та хўжалик аввалги яшаган жойларига қайтишган. [4. Б,59] Ўзлаштирилган ерларда аҳолини қўним топишида албатта уй-жой билан таъминланишида бир қатор имтиёзлар берилган. Кўчиб кетадиган колхозчиларга қарашли биноларни эгалари бузиб янги жойга олиб кетмасалар, ёки қоладиган колхозчилар бутун холда сотиб олмасалар давлат страхования баҳосидан ошмаслик шарти билан, колхозга қолдирилиб топширилиши мумкин бўлган. Кўчиб борган янги жойдаги колхозлар уй-жой солиш ва хўжалигини ростлаб олиш учун кўчган колхозчиларга, ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1940 йил 27 декабрдаги №2645 қарорига мувофиқ, колхоз маблағлари хисобидан, кейинчалик тўлаш шарти билан ёрдам берилган. [2. Б,138] Барча бинолар шу жумладан қурилиши тамом бўлмаган бинолар колхозда қолган, кўчиб кетадиган хўжаликларга тегишли қисми учун биноларнинг балансда кўрсатилган баҳолари юзасидан ёки қурилиши тамом бўлмаган бинокарликка сарф қилинган маблағ ва материаллар юзасидан пул ёки материаллар берилган. Капитал кўйиш маблағлари хисобидан ажратилган бинокорлик материаллари колхоз хисботида кўрсатилган баҳоларига нисбатан ва шу материалларни ажратишгача сарфланганини эътиборга олиб бўлинган.

Албатта кўчирилган хўжаликлар мулкларини хукуқий асосларини ишлаб чиқишида маълум бир мезонлар ишлаб чиқиши таълаб эътилган. Унга кўра ажратиладиган хўжаликларга бериладиган барча мулк ва маблағлар ҳар бир колхозда колхозчиларнинг умумий йигилиш қарорига асосан ажратилади. Кўчириладиган колхозчиларга тегишли хисобни узиш учун барча тайёргарлик ишларини ўтказиши мақсадида колхоз: ўша колхознинг бошқарув аъзоси, тафтиш комиссияси бошлиғи, район ер бўлими вакили, қишлоқ хўжалиги банкаси вакили ёки давлат банкаси вакилидан иборат комиссия тузилади. Бу комиссия мулк ва маблағ ажратиш тартибини белгилайди, зарур хисобларни бартараф қиласида ва

мулкни тақсим қилганлик тўғрисидаги актни колхозчиларнинг умумий йиғилиш тастиғига киритади. Кўчириладиган хўжаликларга тегишли мулк ва маблағни топшириш акти билан расмийлаштирилди ва комиссиянинг барча аъзолари умумий йиғилиш қарорига асосан бу актга қўл қўядилар. Колхоздаги умумий йиғилишнинг қарор копияси ва актнинг копияси абатта кўчиб кетадиган ва кўчиб борган жойдаги қишлоқ хўжалик банкасига ёки давлат банкасига ва район ер бўлимига айрим-айрим топширилди, шунингдек кўчиб кетадиган колхозчилар бошлигининг кўлига берилади. Яна бир нусхаси ЎзССР Министрлар Совети хузуридаги кўчиш ва кўчириш бошқармасининг вакилига берилади. [5. Б,137]

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки Совет даврида сиёsat иқтисодга нисбатан устивор аҳамиятга эга бўлган. Ўзбекистонга пахта хом ашё базаси ролининг ажратилиши натижасида пахта яккаҳокимлиги ўрнатилган. Бу пахта майдонларини кенгайтиришни талаб қилган. Натижада янги ерлар хўжалик муомаласига киритилган. Янги ерларни ўзлаштирилиши, ушбу худудларга аҳолининг кўчирилиши ва кўчирилган аҳолини мулкий муносабатларини кафолатланиши хўжаликларни(оилаларни) доимий яшаб қолишига сабаб бўлган.

REFERENCES

1. Муртазаева Р.Х ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т.; Янги аср авлоди, 2005.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р.314-фонд, 7-рўйхат, 10-иш, 138 варак.
3. Хушвақтов Ҳ. О. Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳоли кўчирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи (1946-1970 й) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.-Тошкент, 2017.
4. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 608-фонд, 1-рўйхат, 355-иш, 59 варак.
5. ЎзР МДА, Р.314-фонд, 7-рўйхат, 10-иш, 137 варак.